

**ISSN 2181-6875**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI  
ILMIY AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA  
STATE UNIVERSITY**

**2013/4(52)**

# MUNDARIJA

## • ANIQ VA TABIIY FANLAR

Борхоров С.Қ., Жураев Ҳ.О., Жураев З.Ш., Жамилов Ю.Ю. Муқобил энергия ёрдамида биодилардан биомасса олиш технологияси.....	1
Мирзаев Ш.М., Ражабов Б.Ҳ., Мирзаев М.С., Ибрагимов С.С. Такомиллашган таркиксимон қуёш сув чучиттичининг синов натижалари.....	5
Убайдуллаева Ш.Р., Сариев Р.Б., Гулямов М.Р. К вопросу технологии разработки электронного учебно-методического пособия по курсу «основы системного анализа».....	8
Зарипов Г.Т., Бешимов Ю.С., Акрамова О.К. Получение экологически чистой энергии. Биогаз.....	11
Ахмедов М.Ш. Определение гидродинамического давления на стенку трубы, вызванного потоком жидкости.....	15
Икязов Л.Н. Тербий-иттрий феррит-гранатларида магнитли фазавий ўтишларнинг хусусиятлари.....	18
Rahmonov A.A., Rasulova Z.D. Arkfunksiyalar qatnashgan tengsizliklar va ulami yechish usullari.....	22
Назаров С.И., Адизова Ҳ.Р., Тиллоева Д.М. Полимер композицияларнинг физик-юмёвий ва оҳорланган калава ипларнинг механик хоссаларини ўрганиш.....	26
Тураев А.С., Амонова Д.М., Шомуротов Ш.А. Исследование гидrolитического расщепления гуаровой камеди.....	30

## • TILSHUNOSLIK

Бушуй А.М. Англоязычное высказывание в ракурсе дейктивности.....	34
Джумабаева Ж.Ш. Даражаланиш ҳодисаси ва градуаллик.....	37
Саидов Ё.С. Жадидларнинг ўзбек лингвистик терминологиясини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни.....	42
Жураева Б.М., Жабборова Д.Ш. Ўзбек халқ маколларида «ит» лмг ининг салбий семалари.....	46
Рахматова М.М. Ўзбек лингвомаданиятида «хунулик» концептининг лексик маънофодаланиши.....	51

## • ADABIYOTSHUNOSLIK

Кайитов Ш.А. Алишер навоий ва Мавлоно Соғатий.....	54
Волюдица Н.Н. The description of charles sanddand's character in the novel "The moon and sofence" by Somerset Maucham.....	57

Ганиева А.И. Ўзбек адабиётида диний-маърифий мотивлар талқини.....	62
Локтева Н.М. Социально-психологическая проза Ирвина Шоу.....	65

## • NAVOIY GULSHANI

Афоқова Н.М. Ҳаёт барқарорлигининг асоси ..	69
---	----

## • FALSAFA VA HUQUQ

Нарзиев З.И. Ҳужвирий илм ва унинг таснифи хусусида.....	73
Сайфуллаева Д.К., Музаффаров К.З. Жизнь и наследие теолога Абу Хамида Газали.....	77
Ҳамроев С.С., Ширинов А.Қ., Ҳожиев С.С. Миллий парламент мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар асоси сифатида.....	81
Эргашева М.З. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг ривожланиш тарихидан: миллий-ҳуқуқий кадрятлар уйғунлиги.....	86

## • TARIXSHUNOSLIK

Темиров Ф.У. Садриддин айнийнинг "Тарихи Амирони манғитияи Бухоро" асари муҳим тарихий манба сифатида.....	91
Искандаров Ш.А. Ўзбекистонда яшовчи арабларнинг этник тарихига оид айрим мулоҳазалар.....	95
Муртазова С.Б. Мустақиллик йилларида мусиқа маданиятига янги аънаналарнинг кириб келиши.....	99

## • IQTISODIYOT

Ҳамроев Ҳ.Р. Давлат сиёсати асосида эркин иқтисодий ҳудудлар яратишнинг назарий асослари.....	104
Қаҳҳоров О.С., Давлатов С.С. Иқтисодчи кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.....	110

## • PEDAGOGIKA

Қаҳҳоров С.Қ., Хушвақтов Б.Н. Касб-хунар коллежларида "геометрик оптика" бўлимини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш.....	116
Тожибоева Х.М., Қодирова М.Ф. Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари.....	122
Саидов А.И. Булажак педагог кадрларни касбий компетентлигини оширишнинг назарий асослари.....	127
Икромов А.А. Баркамол авлодни тарбиялашда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти.....	131

## • E'OLON

"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	136
---	-----

маҳаллий ҳукумат тарафидан унинг одамларига Мазор ва Хонобод ерларидан жой берилади. Амирнинг ўзини Қобулга узатдилар. Афғонистон амири Олимхонга Қобул шаҳрининг ташқарисида жойлашган мухташам бир подшоҳлик боғидан жой қилиб берди. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик муддати тахтга ўтирган кунидан то Бухорони ташлаб кетишигача қамарий ҳисоб билан: тўққиз йилу 11 ой, 11 кун, шамсий ҳисобида эса, тўққиз йилу 7 ой 25 кундир. Манғит амирлари 1170 ҳижрий (1753) йилдан 1338 йил ҳижригача (1920), яъни 168 йил Бухорода ҳукмронлик қилдилар” [4,105-106].  
Тарихнавис адиб Садриддин Айний “Бухоро манғит амирлари тарихи” асарида ушбу сулола вакиллари даври тарихини.

асосан, салбий баҳолаган бўлса-да, манғит амирларининг мамлакатни мустақкамлаш ва иқтисодий ривожига катта эътибор берилганликларини ҳам эътироф этади. Айниқса, муаллифнинг амир Ҳайдар, амир Шоҳмурод, амир Музаффархон ва амир Абдулаҳадхонлар ҳақида келтирган маълумотлари муҳим аҳамият касб этади.  
Айтиш жоизки, тарихчининг ушбу асари ҳозиргача ўзбек тилига тўла ўгирилмаган. Мазкур тарих китобининг жиддий ўрганилиши, тадқиқ этилиши, ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этирилиши туркийлар тарихининг манғитлар даври бўйича муҳим манба бўлиб хизмат қила олиши шубҳасиздир.

### АДАБИЁТЛАР

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926.
2. Айний С. Қуллар. / Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Ўздавнашр, 1963.
3. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим./ Асарлар.8 жилдлик.1-жилд.-Т.:Ўздавнашр, 1963.
4. Айний С. Таърихи амрони манғитияи Бухоро. –Т.: Туркистон давлат нашриёти, 1923.
5. Айний С. Муқанна исёни. – Т.: Фан, 1994.
6. Аҳмад Маҳдум Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития.– Душанбе: Сарват, 1992
7. Ражабов Қ. Насруллоҳхон. – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2011.

**Искандаров Шерзод Абдуганиевич**

*Низомий номидаги ТДПУ катта илмий ходим-изланувчиси*

[iskandarov54@mail.ru](mailto:iskandarov54@mail.ru)

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШОВЧИ АРАБЛАРНИНГ ЭТНИК ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Таянч сўзлар:** этнография, тарих, этник тарих, маданият, моддий маданият.

**Ключевые слова:** этнография, история, этническая история, культура, материальная культура.

**Key words:** ethnography, history, ethnic history, culture, material culture.

*Ўзбекистонда яшаб келаётган диаспораларидан бири арабларнинг этник тарихи ўзбек халқининг этник тарихи бир-бири билан боғлиқ эканлигини эътироф этиш керак. Жумладан араблар этник тарихи қадимий Арабистон яриморолининг тарихи билан боғлиқ. Аммо Ўрта Осиёдаги арабларнинг этник тарихи VII аср VIII асрлардан бошланади. Шу даврда Ўрта Осиёнинг катта бир қисмини бўйсундирган. Араб халифалиги маҳаллий аҳолига ислом динини сингдириш орқали кўплаб араб қавмларини минтақанинг жанубий-ғарбий ҳудудларига жойлашиб ва ўтроқлашиб қолишлари учун шароит яратган.*

## TARIXSHUNOSLIK

В данной работе отмечена тесная взаимосвязь этнической истории арабской диаспоры, проживающей в Узбекистане и этнической истории узбекского народа. В процессе изучения этнической истории арабов, проживающих в Узбекистане, можно перечислить несколько специфических факторов. В частности, изучены история появления арабского народа, аспекты, зависящие от этнической истории узбекского и арабского народов.

*The Arab Diaspora living in Uzbekistan demonstrates the connection between the ethnic histories of Uzbek and Arab people. But the ethnic history of Arabs living in Central Asia dates back to the VIIth and VIIIth centuries. At that time a large territory of Central Asia was conquered by Arabs. By converting the local people to Islam, the Arab caliphate created favourable conditions for Arabs to settle down in Southern and Western territories of Central Asia and live there.*

XXI аср инсоният тарихида глобаллашув асри сифатида эътироф этилмоқда. Информацион цивилизациянинг ҳосиласи бўлган бугунги кундаги глобаллашув ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликдан ташқари маданий-маърифий соҳаларни ҳам қамраб олиб, этномаданий муносабатлар ўртасидаги миллатлараро ҳамкорликни янада чамбарчас боғламоқда. Миллатлараро ҳамкорлик, яъни турли халқлар ва элатлар ўртасидаги илмий, маданий алоқалар ва яқин муносабатлар, кишилиқ цивилизациясини ўрганиш бугунги кун-миздаги долзарб масалалардан бири-дир. Маълумки, барча халқлар қадимдан бир-бирлари билан ижтимоий, иқтисодий, маданий муносабатларда бўлишган. Фикримиз исботини Ўзбекистонда яшаб келаётган араблармисолида кўришимиз мумкин. Уларнинг этник тарих, моддий-маънавий маданият, урф-одат ва маросимлари билан боғлиқ қарашларини ўрганиш этнология фанидаги маълум бўшлиқни тўлдирди.

Этник тарих билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни илгари сурган рус олими Ю.В.Бромлей фикрича, этник тарих этник жараёнларнинг барча кўринишларини, шу жумладан, ижтимоий жараённи тадқиқ қилади [3,237]. Яна бир рус олими Л.П.Лашук ҳар қайси халқнинг этник тарихи ўша халқнинг энг қадимги уруғ-аймоқчилик гуруҳларидан келиб чиқиши ҳамда тараққиётдан тортиб то ҳозирги этник ҳолатигача, этник ҳудудининг муносабатларигача бўлган масалаларнинг анча кенг доирасини ўз ичига олади, деб ҳисоблайди. Этник тарих

маълум бир халқнинг илк аجدодларидан бошланиб, элат шаклланиши, тараққий этиш босқичлари ва емирилиш даврларини ўз ичига олади [5,97]. Этнография фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳозирги этносларнинг келиб чиқиши, этник тарихи ва шаклланиши, жойлашиши, моддий ҳамда маънавий маданиятини ўрганиш билан боғлиқдир.

Тарихдан маълумки, ўрта асрларда Мадина шаҳри барча араб қабила-ларининг сиёсий иттифоқи марказига, ислом дини эса уларнинг асосий ғоявий мафқурасига айланган бўлиб, араб қабилалари марказлашган давлатга асос солишган. Византия ва сосонийлар Эронига тобе қўлаб ўлкалар халифагик таркибига қўшиб олинган.

Юнон муаллифларининг асарларида араблар тўғрисида ўзига хос бир қараш илгари сурилган, яъни гарчи минтқа Арабистон деб аталган бўлса-да, ўзи араблар деб юритувчи аҳоли мазкур минтақанинг фақат шимолий вилоятларида яшаганлар. Кўпинча, кўчманчибадавийлар, бадавий-сахро киши араблар деб номланган. Масалан, исломгача бўлган даврларда ярим оролнинг жанубий ҳудудида яшовчи яманликлар араб тилига қардош бўлган лаҳжада гаплашсалар-да, араб деган нисбат уларга хос бўлмаган. Чунки ислом тараққий этиши билан араб тили ўзига яқин бошқа шеваларга ўрин қолдирмайди [9, 6-33].

Араб халифалиги қўшинининг Марказий Осиё минтақасига илк қадам қўйган даври VII аср ўрталарида халифаликнинг минтақада тўла

хукмронлик ўрнатишга уриниши қарийб бир асрга чўзилган. VIII аср ўрталарига келиб араблар томонидан Марказий Осиё худудининг катта бир қисми исломлаштирилган. Арабларнинг босқинчилик юришлари натижасида араб қавмлари минтақанинг жануби-ғарбий худудларида жойлашишлари учун шароит яратилган.

Машхур муаррих ат-Табарийнинг ёзишича, Мовароуннаҳр арабларининг этник тарихи тўғрисида қимматли маълумотлар учрайди. Чунончи, у ўз асарини ёзишда ўзидан аввал ўтган Абул Ҳасан али ибн-Муҳаммад ал-Маданий асаридан ҳам кенг фойдаланган. Ат-Табарий асарида биринчи бўлиб, тарихий воқеаларни аниқ тарихий далиллар билан ёзган. VIII асрдан араб ва ажам – араб бўлмаган яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг Марказий Осиёга кириб келиши минтақадаги этник жараёнларга унчалик катта таъсир этмаган. Бу даврда аҳоли этник таркибига маълум бир ўзгаришлар юз берган бўлса-да, Мовароуннаҳрдаги ўтроқ ва ярим ўтроқ туркийзабон аҳоли, сўғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз худудларида қолиб, араблар (VII-VIII аср) кейинчалик сомонийлар (IX аср) ҳукмронлиги остида яшаганлар.

Араблар Ўрта Осиёни эгаллагач, уни халифаликнинг бир қисмига айлантиришга уринганлар ва бу худуд этник харитасида қатор аҳамиятга молик ўзгаришлар юзага келишига ўз хиссаларини қўшганлар. Қутайба ибн Муслим Марказий Осиёни босиб олгач, араб жамоалари жуда ҳам кенг худудда ўрнаша бошлаганлар. Араб қабилалари бу худуднинг йирик шаҳар, қишлоқ ва яйловларига жойлашганлар. Улар кўп вақт маҳаллий халқ вакиллари билан яқин алоқа қилмасдан, уларга қўшилиб кетмасдан алоҳида яшаганлар ва шу орқали ўзликларини анча вақтгача сақлаб қолганлар [2, 75-77]. Марказий Осиёга VII – VIII асрларда ёхуд ундан кейин келиб ўрнашган араблар маҳаллий аҳоли билан ўз тақдирини узвий боғлаган. Арабларнинг кириб келиши ва кўчириб келиниши этник жараёнларининг кучайиши, этнослараро мужассамлашиш фаоллашуви ислом дини ва унинг маънавий ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. IX асрнинг

биринчи ярмида ҳокимият араблардан сомонийлар қўлига ўтади. Шу муносабат билан кўчириб келтирилган арабларнинг бир қисми ўз она юртларига қайтиб кетган. Бир қисми узоқ йиллар яшаб ўзлари ўрганиб қолган, маҳаллий аҳолининг меҳр-муҳаббатига, урф-одатларига муштараклашиб кетганликлари учун бу юртни ўзларининг абадий ватанлари деб билганлар. Лекин қонларида бадавийлик-сахройилик хислатлари кўплиги туфайлими ёки айрим имтиёزلардан маҳрум этилаётганликлари учунми, араблар шаҳарлардан қишлоқларга кўчиб ўта бошлаганлар.

Амир Темур томонидан Мовароуннаҳрга кўчирилган аҳоли таркибига эътибор қаратган элшунос олим К.Шониёзов араблар масаласига ҳам тўхталиб қўйидагича ёзади: "XIV- XV асрларда Мовароуннаҳрда илк ўрта асрлар ва ундан кейинги асрларда келиб жойлашиб қолган араблар ҳам яшар эдилар. Араблар асосан Бухоро воҳасида, Самарқанд ва Каттақўрғон атрофларида, ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқоқ ҳолда яшаган" [10, 400]. Марказий Осиёга арабларнинг иккинчи миграцияси Амир Темур даврига тўғри келиб улар, асосан, Арабистон ярим ороли ва унга туташ худудлардан, хусусан, Сурия ва Ироқдан кўчириб келтирилган аҳоли бўлиш эҳтимоли юқори [6, 27-31]. Арабларнинг минтақа ички худудига кириб келишининг навбатдаги даври сўнги ўрта асрларга бориб тақалади. Гарчи бу давр арабларнинг ўз тарихий ватани – Олд Осиё ёки Арабистон билан тўғридан тўғри алоқаси бўлмаса-да, уларнинг ислом дини илк тарқала бошлаган давр VII-VIII асрлардан буён Хуросон ва Шимолий Афғонистонда яшаб келаётган авлодлари Амударёни кечиб ўтиб, ҳозирги Ўзбекистон мизининг марказий худудларида янги макон тута бошлаган эди. Сўнг ўрта асрларда минтақанинг маъуян бир қисмида ҳукм суриб, маркази Бухоро шаҳри бўлган манғитлар сулоласи (1751-1920) даврида ҳам Балх шаҳри атрофида истиқомат қилувчи арабларнинг бир қисми хонлиқнинг марказий ва жанубий худуди Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхон

воҳасига кўчирилганлиги ҳақида қўлёзма асарларда тарихий маълумотларнинг учраши мазкур жараённинг то сўнгги асрларгача давом этганлигидан дарак беради [8,37]. Тарихдан маълумки, араблар сўнгги ўрта асрларда Хоразм, Бухоро ҳудудларида катта мавқега эга бўлишган.

Ўрта Осиё ҳудудида арабларнинг тарқалиши қарийб минг йиллик даврни ўз ичига олган жараён бўлиб, минтақадаги сиёсий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Гарчи датлабки босқич, яъни арабларнинг илк кириб келиши билан боғлиқ тафсилотлар ўз даври манбаларида ҳаминқадар акс этган бўлса-да [1, 115-125], бир неча ўнлаб асрлар ўтиши натижасида араблар ўтроқ маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетган. 1926 йилда ўтказилган аҳоли ва қишлоқлар ҳисоб-китобига кўра, Қашқадарё вилоятида 1187та араблар яшайдиган манзил ва 341 491 фуқаро мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, олишимиз лозимки, Косон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Ғузорда яшаб келаётган араблар ўзбек халқининг таркибига сингиб кетганлар. Вилоятда ўзбеклар – 186459 киши, тожиклар – 20438 киши, туркманлар – 3152 киши, қozoқлар – 730 киши, араблар – 7321 киши, яҳудийлар – 1011 киши, жами 219111 киши яшаган. Шунингдек, Беҳбудий уездида сариқлар – 250 киши, эрсарилар – 2770 кишини ташкил қилган [4, 111-113].

Қуйи Қашқадарёнинг Жейнов қишлоғида яшовчи араблар ҳақида элшунос олима Б.Х.Карымишева диққатга сазовор маълумотлар тўплаган. Олима 1957 йилда Қашқадарёнинг қуйи қисмида жойлашган араб қишлоғи Жейновда бўлганида унга арабларнинг Ҳисорда қариндош-уруғлари борлигини айтишган. Қурғоқчилик бўлган йиллари жейновлик чорвадорлар Ҳисорга [7,252] қариндошлари ҳузурига отарларини ҳайдаб кетганлар. XX аср бошларидан бошлаб араблар ўтроқлаша бошлаган.

Пўлати арабларнинг Марказий Осиёдаги этник тарихи тўғрисида маҳаллий манба ва қадимий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, арабларнинг XII асрга келиб жойлашган даврдан бошлаб

арабларнинг тарихи бошланган. Бу каби фикрга келишнинг асосий сабабларидан бири “Китоб ал-мансур” китобида ҳам “балидий” деган кишининг келиб жойлашиши, кейинчалик Пўлати номининг келиб чиқишига олиб келган. Юқоридаги таъкидлардан кўринадики, Пўлати қишлоғи кишиларининг аجدодлари бундан XII-XIII аср муқаддам ҳозирги яшаб турган жойни макон этганлар. Айтиш мумкинки, Қашқа воҳасидаги, айниқса, Косон тумани ҳудудидаги кишилар араб қавмига мансубдир. Пўлати тасарруфидан чиқиб ташкил топган қатор қишлоқлар аҳолисининг аждодлари битта сулолага бориб тақалади. Зеро, туман ҳудудидаги, шунингдек, Чироқчи туманидаги “Чорвадор” хўжалиги ҳудудидаги қишлоқларнинг, қолаверса, Пўлатидан кўчиб кетиб, бошқа вилоятларда макон топган манзиллар аҳолисининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги фикримизни исботлайди. Улар куда-андачилик, қариндош-уруғчилик аънаналарини неча асрлардан буён узлуксиз давом эттириб келмоқдалар. Уларнинг урф-одатлари, расм-русмлари деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Биз зикр этган қишлоқларнинг аҳолиси ўзларининг туб илдизлари Пўлатига келиб тақалишини сира инкор қилмайдилар. Ўзбекистон арабларнинг муҳим этник жиҳатларидан бири ўз-ўзини англашда, хўжалик турмуш тарзида ва маданиятида ўзига хосликнинг барқарор сақланишидир. XX аср бошларида мазкур минтақа аҳолиси патриархал-уруғчилик шароитида яшаган. Араблар қишлоқ ҳамда деҳқончилик билан шуғулланувчи қўшни ўтроқ ва ярим ўтроқ жамоа бўлиб яшаган.

Зеро, Ўзбекистонда яшаб келаётган диаспораларидан бири арабларнинг этник тарихи билан ўзбек халқининг этник тарихи бир-бири билан боғлиқ эканлигини эътироф этиш керак. Жумладан, араблар этник тарихи қадимий Арабистон яриморалининг тарихи билан боғлиқ. Аммо Ўрта Осиёдаги арабларнинг этник тарихи VII-VIII асрлардан бошланади. Шу даврда Ўрта Осиёнинг катта бир қисмини бўйсундирган. Араб халифалиги маҳаллий аҳолига ислом динини сингдириш орқали кўплаб араб қавмларини минтақанинг жануби-ғарбий ҳудудларига

жойлашиб ва ўтроқлашиб қолишлари учун шарият яратган. Хусусан, бир неча ўнлаб араб қабилалари Хуросондаги Марв ва Ҳирот атрофларида, Шимолий Афғонистондаги Балх вилоятида, Мовароуннаҳр ҳудудларида ўрнашадилар. Арабларнинг кўчиб келганликлари ҳам ўзбек халқи этник таркибининг ўзгаришига олиб келмади. Аммо XX асрнинг биринчи чорагида мамлакатимизда содир бўлган сиёсий, иқтисодий

жараёнлар натижасида Ўзбекистон арабларининг ҳам турли этник гуруҳларида ўзаро ижтимоийлашуве жараёни содир бўлиб, улар ўзбеклар, тожиклар таркибига сингиб кетган.

Ўзбекистон арабларининг этник тарихида, хусусан, этномаданий алоқаларни уларнинг турмуштарзи билан боғлиқ жиҳатларда кўриш мумкин.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулев таржимаси // "Мерос" туркуми. – Т.: Камалак, 1991.
2. Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. - М.: Наука, 1973. – С. 237.
3. Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Этнология атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Қарши, Насаф. 2004. Б. 97.
4. Бўриев О. Қашқадарё воҳасидаги этнодемографик жараёнлар.//Академик Карим Шониёзов ўқишлари туркумида Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. V республика илмий конференцияси материаллари. – Т.: Фан, 2010.
5. Кармышева Б.Х. Основные виды переносного жилища узбеков и кочевые жилища народов Средней Азии и Казахстана. – М., 2000. – С. 252.
6. Мадамиджанова З. Арабы Южного Таджикистана. Душанбе, 1996.
7. Мамадалиев Ҳ.М. IX-X асрларда Ўрта Осиё ўтроқ аҳолиси этник таркибига доир. //Академик Карим Шониёзов ўқишлари туркумида Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари мавзусидаги IV республика илмий-назарий конференция материаллари. // – Т., 2007. Б. 75-77.
8. Ражабов Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар. –Т.: Янги аср авлоди. 2011.
9. Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996.
10. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: Шарқ, 2001. – 400 б.

**Муртазова Саҳодат Бўриевна**

*Қарши МИИ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси*

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МУСИҚА МАДАНИЯТИГА ЯНГИ АНЪАНАЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ

**Таянч сўзлар:** мусиқа маданияти, анъана, театр, кўшиқ, фестивал, концерт, гастроль.

**Ключевые слова:** музыкальная культура, традиция, театр, песня, фестиваль, концерт, гастроль.

**Key words:** musical culture, tradition, theatre, song, festival, concert, gastrol.

*Ушбу мақолада мустақиллик шароитида янги анъаналарнинг кириб келиши, театрлашган майдон томошаларнинг таркиб топиши, кўшиқ кўрик танлови ҳақида фикрлар баён этилади.*